# ОЛТИН ВОДИЙ ЙЎЛИДА

***Халқимизда: «Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал», деган ҳикмат бор. Асакада «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси ишга тушганидан буён автозавод ва унда чиқарилаётган автомобиллар ҳақида кўп ва хўп яхши гаплар айтилмоқда. Аммо бевосита корхонанинг ўзида бўлиб, ундаги иш жараёнлари, энг замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари ҳамда меҳнат шароитлари билан яқиндан танишишни кўпчилик орзу қилади.***

Айниқса ёшлар, улар тўпланган жойдан ғизиллаб «Дамас» ёки «Тико» ўтиб қолса бас, дарҳол баҳс-мунозара, суҳбат мавзуи ушбу машиналарга бурилаверади... Айтайлик, отаси ёки акасининг машинасини бемалол ҳайдашни ўрганиб олган ёки ҳайдовчилик курсида ўқиган ё бўлмаса, шунчаки техникага қизиқадиган ёшлар эмас, балки дарҳақиқат барчанинг диққатини ўзига тортади, бу шинам автомобиллар! Бирор янгилик ёки ишга айниқса, ёшлар қизиқиш билдирдими, демак, бу янгиликнинг истиқболи равшан, дейишади. Ёшлардаги ана шундай қизиқиш ва интилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига танишув сафари уюштирилди. Унинг қатнашчиларининг аксарият кўпчилиги автозавод билан фақатгина танишиш эмас, балки «ҳам саёҳат, ҳам тижорат», дейилганидек, бир қанча амалий топшириқлар, режаларни ҳам мўлжаллаган эдиларки, бу ҳақда қуйироқда яна фикр юритамиз.

...Пойтахтдан «Фарғона йўли» шоҳкўчаси орқали йўлга чиқдик. Биз тушган юмшоқ ўриндиқли «ДЭУ» автобуси шитоб билан елиб боряпти. Қувончи ичига сиғмаган шўх, қувноқ ёшлар автобус шаҳардан чиққани заҳоти баланд жўр овозда яллани бошлаб юборишди.

Қандай файзли манзара! Бу — жаннатмакон маъволар бўйлаб ёшлик, софлик, куч-ғайрат оқиб ўтаётир, десак таъбир жоизми? Албатта! Чунки шу истеъдодли, қизиқувчан ва зийрак ёшлар «тупроғида олтин гулловчи» ўлкамизнинг эртанги бахтиёр эгаларидир.

Кўп ўтмай қўшиқ тинди. Автобус деразаларидан лип-лип ўтаётган ям-яшил табиат чиройи барчанинг нигоҳини тортди.

Гуллаётган юрт манзаралари... Кенг дала, экинзорлар, олис-олис уфқлар, мовий осмон — ана шуларнинг ўзиёқ камалак рангларида товланувчи қўшиқ, мусиқа эмасми? Бу «мусиқа»дан юраклар ғурур, ҳаяжонга тўлади, беихтиёр хаёлларни олис-олисларга олиб кетади, йўлимиз — олтин водий томонга! Кимлар ўтган бу йўллардан? Отабек ҳам шу йўлдан Марғилонга қатнамаганми? Ёнимиздан «Нексия», «Тико» ва «Дамас»ларда ғиз-ғиз ўтаётганлар — замонавий Отабеклар эмасми?

# ШИТОБ

***Андижондан Асакага ва ундан автомобиль заводига олиб борувчи кенг йўл ўқдек тўғри ва ойнадек текислиги билан диққатингизни тортади. Йўл ўртасига туширилган оқ чизиқлар кўзни қамаштиргудек товланади.***

Автобус бир текисда, оҳиста елиб боряпти, пиёлага чой қуйиб, чайқатмасдан, баҳузур ичишингиз мумкин. Йўлдан иккала томонга ўтиб — қайтаётган «Нексия» ва «Дамас»ларни эса мовий кўлда сузаётган оққушларга қиёслашдан ўзга ўхшатиш топмадик...

Ям-яшил пахтазорлар ичра ўтган мана шу равон йўл ҳам «ЎзДЭУавто»нинг шарофати билан бунёд этилган. Яхши ният — юртимиздаги барча автомобиль йўллари ҳадемай аста-секин ана шундай халқаро талабларга жавоб берадиган қилиб таъмирланади. «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон—Корея қўшма корхонасининг халқаро таништирув маросимида ўтказилган матбуот конференцияси Латвия телевидениесининг мухбири Президентимизга берган саволида жумладан, республикамиз йўлларининг «ДЭУ» технологиясига мос келиши учун нима қилиш кераклиги ҳақида ҳам сўради.

Президентимиз Ислом Каримов бу саволга жавобан шундай деганди: «Мен сизнинг саволингизни бизнинг автомобилларимизгина эмас, йўлларимиз ҳам замонавий бўлишига даъват деб қабул қиламан. Эртага бу замонавий автомобиллар турмушимизга кириб борганида табиийки, йўлларимиз бизни қониқтирмайди. Биласизми, биз Ульяновскдами, эсимда йўқ, бошқа жойдами чиқариладиган «УаЗИК»да юришга ўрганганмиз. Киши бундай «УаЗИК»да юрганида юк машинасидами ёки енгил машинада юрибдими — билмайди. Албатта, йўлларимиз ҳам бундай машиналарга мос эди. Энди кун тартибида янги масала турибди ҳамда мен бу масала устида ишлашимиздан хурсандман».

Умуман, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши республикамиз иқтисодиётининг жуда кўп тармоқларига замонавий технологиялар жорий этиш, янги иш ўринлари яратиш ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига катта шитоб билан туртки бўлади. Замонавий автомобиль 18 — 20 минг дона қисмлардан иборат бўлади. Ҳозирча бутловчи қисмларнинг кўпи Жанубий Кореядан келтирилмоқда. Албатта, бу маҳсулотнинг таннархига ўз таъсирини кўрсатади.

Аммо 1997 йилдаёқ ана шу қисмларнинг 30 фоизи, 2000 йилга бориб эса 70 — 75 фоизи ўзимизда ишлаб чиқариладиган бўлади. Шу мақсадларда ҳозирданоқ Жанубий Корея билан ҳамкорликда 4 та қўшма корхона қурилмоқда. Бу ҳали ишнинг бошланиши. Келгусида бундай корхоналардан жуда кўплаб қуриш кўзда тутилган. Қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларидан ҳам таклифлар тушяпти. Хуллас, қанчалик кўп қисмлар ўзимизда ишлаб чиқарилса, автомобилнинг таннархи ҳам шунча арзон бўлади ва уни сотиб олиш учун ҳамманинг ҳам ҳамёни кўтарадиган бўлади. Иншоолло, бундай кунлар яқин.

# ДЭУ — «КЕНГ ДУНЁ»

***Ниҳоят, биз «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ҳудудидамиз. Энг аввало кўзга яққол ташланган ҳолат — бу завод ҳудудидаги фавқулодда тартиб-интизом ва озодалик бўлди.***

Бу ерда собиқ Иттифоқдан мерос қолган корхоналарда кузатилувчи манзара — аллақайси қувур ёриғидан буғ отилиши, корпус деразаларидаги мой доғлари, чанг-чунг, ҳар жойдаги темир-терсак уюмлари, шовқин-сурон, сувнинг сизиши, дастгоҳларнинг тарақлаши, тутун каби аломатларга асло дуч келмайсиз. Дераза ойналари ярақлаган улкан замонавий корхона шовқинсиз, худди соатдек бир маромда ишлаб турибди. Дарвоза ёнида мезбонлар бизни шинам автобусга таклиф қилишди. Завод ҳудуди бўйлаб танишув бошланди. Беихтиёр Тольяттидаги ВАЗ ҳақида эшитганларимиз — корхона ҳудудининг ўнларча километрга чўзилганлиги, унинг ичида автобуслар қатнови йўлга қўйилганлиги эсга тушди. Асака автозаводи унчалик катта эмас, унинг умумий майдони 60 гектарга яқин жойни ташкил этади. Аммо корхона замонавийлиги ва ишлаб чиқариш қуввати бўйича ўша Тольятти заводидан қолишмайди. Ҳозирча конвейердан соатига 15 та «Тико», «Дамас» ва «Нексия» автомобиллари 8 хил рангда чиқмоқда. Бир-икки йилдан сўнг бу суръат янада тезлашади ва 2000 йилга бориб, «ЎзДЭУавто» йилига 200 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эришади. Автомобиль ишқибозлари учун яна бир эътиборли маълумот, яқин келажакда Асака автозаводида 7 хил модификациядаги автомобиллар ишлаб чиқаришга киришилади.

Ҳар куни Андижон, Фарғона, Наманган вилоятларининг шаҳар ва қишлоқларидан одамлар заводга 12 йўналишда махсус автобусларда етиб келадилар. Корхонада меҳнат қилувчи 2.500 нафар ишчи ва мутахассисларнинг ўртача ёши 20-30 ни ташкил қилади. Бу ерда ишга, хизмат вазифаларига ҳам муносабат ўзгача. Корхонада ишловчилардан нафақат билимли, юқори малакали касб эгаси бўлиш, шу билан бирга хулқ-атвор ва муомала маданияти борасида ҳам намуналилик талаб этилади. Хуллас, Асака автозаводида янгича муносабатларга асосланган ишлаб чиқариш тизими вужудга келмоқда. Корхонада ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларига ҳам катта эътибор берилади. Ўзингиз ўйланг: «Дамас» ёки «Тико» қандай ихчам, енгил ва мукаммал машиналар. Буларнинг тузилишига яна қандай ўзгартириш киритиш мумкин? Албатта, бу иш осон эмас. Аммо Кореяда таълим олаётган ўзбек йигитларидан 4 нафари мураккаб замонавий технология сирларини тезда ўрганибгина қолмай, машиналарнинг тузилишига оид рационализаторлик таклифларини киритиб, корейс мураббийларини лол қолдирдилар. «ЎзДЭУавто»да бундай таклифлар муносиб тақдирланади.

Автозавод жаҳон миқёсида олиб қаралганда ҳам рекорд муддатда, яъни 2 йилда қуриб битказилди. Корхонанинг очилиши маросимида компания президенти Ким У Жунг қурувчилар ишидан ўз ҳайратини шундай билдирди: «Бир вақтлар ўзбек халқи Катта Фарғона каналини 49 кунда қуриб битказганди. Автозаводни икки йилда қуриш мўъжизадир».

ДЭУ — эркин таржимада «кенг дунё» деган маънони билдираркан. Истиқлол туфайли юртимизнинг жаҳон майдонига чиқиши учун кенг йўллар очилди. Ўз йўлидан шахдам одимлаётган Ватанимизнинг оламаро мавқеи кундан-кунга ўсмоқда. «ЎзДЭУавто»нинг тайёр маҳсулотлар майдонида ярқираб, қатор тизилган минглаб автомобилларни ҳаяжон ва ғурурсиз кузатиб бўлмайди. Майдоннинг ортидаги темир йўлда автомобиль ташийдиган махсус вагонлар кўзга ташланади. «ЎзДЭУавто» шу ердан кенг дунёни забт этишга йўл олади!

***«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг асосий корпуслари сони 8 та. Ўзбек автомобиллари қолиплаш цехида дунёга келади.***

# МЎЪЖИЗАНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Бу ерда атиги 42 нафар ишчи ишлашини кўриб ҳайрон бўлдик. Дастгоҳлар бир маромда ишлаб, турфа чироқлар ўчиб-ёниб турибди. Юмушларнинг 60 фоизи «ақлли машиналар» — роботлар зиммасига юклатилган. 3.500 тонна қувватга эга «Комацу» пресслари микроскопик аниқликда ишларкан. Кейингиси — пайвандлаш цехи эса янада ғаройиб. Конвейер бир текис ҳаракатланиб, бўлажак машинанинг асослари пайвандланяпти. Бу ерда ҳам ишчилар оз, ҳаммаёқда компьютер, ранг-баранг, ўчиб-ёнувчи чироқлар... Бунда кўрганларимиз фантастик фильмлардаги манзаралардан қолишмас эди. Германия, Швейцария, Япония ва Кореяда ишлаб чиқарилган, саккизоёққа ўхшаган тирсакли роботлар, узун «хартум» ва «пўлат қўллар» бетиним, аммо товушсиз ишлаб турибди. Фақатгина аҳёнда секин пайвандлаш товуши ва электрон мусиқа эшитилади. Бу мусиқа робот «тилида»: «Диққат! Эҳтиёт бўлинг!» дегани экан. Пайвандлаш цехидан сўнг автомобилнинг асоси ва кузови бўёқ цехига ўтади. Бу ерда бир зарра ҳам чанг бўлмаслиги шарт. Бўяш пуркаб эмас, балки сутдек оппоқ бўёқ тўла ҳовузчага машина кузовини «чўмилтириб олиш» орқали амалга оширилади. Бўёқларнинг номи ҳам ғалати: «кўкиш тош», «қора коинот», «оқ Касабланка», «Аждаҳо» каби. Бўёқлаш инсон иштирокисиз, узоқ масофадаги герметик салондан туриб бажарилади.

Энг узун —ярим километр келадиган йиғув цехи. Бу ерда мўъжиза — машина биз биладиган одатдаги кўринишга киради. Ҳар бир жараён ниҳоятда пухта бажарилишини компьютерлар кузатиб туради. Айтайлик, бирор гайка сўнгги ярим айланишгача буралмадими, дарҳол «бонг» урилиб, иш тўхтатилади. Ўта арзимас, ҳатто кўзга илинмайдиган нуқсон ўтказишга йўл қўйилмайди, бу ерда. Автомобилларнинг ён-верига махсус пластик ёпқичлар ёпилган, негаки, ишчиларнинг бармоқ излари тушиши ҳам мумкин эмас.

Ниҳоят, конвейер ниҳоясидан «мана мен» дегандек «кўкрак кериб», ярақлаб автомобиллар чиқиб кела бошлайди. Сўнгги жараён — машина махсус камерага киритилиб, эшиклари ёпилади ва кучли сув босими остида худди чақалоқдек чўмилтирилади. Бунда бир йўла машинанинг гидрогерметиклиги ҳам текширилади. Унинг ичига бирор томчи ҳам сув ўтмаслиги керак.

Шундан кейин... оқ йўл, сенга ўзбек автомобили!

# ЎЗИНГНИКИГА НЕ ЕТСИН

***Кўчаларимизда бежирим «Тико», «Дамас» ва «Нексия» автомобилларини тобора тез-тез учратаяпмиз. Уларга бўлган қизиқиш фуқароларда ҳам, корхона ва ташкилотларда ҳам катта. Негаки, ушбу автомобилларнинг афзаллик томонлари кўп.***

Жаҳон андозаларига мос автомобиль ўриндиғига ўтираётиб, катта қониқиш ва ғурур билан «Ўзимизнинг машина!» дейишга нима етсин! Президентимиз Ислом Каримов «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг расмий очилиш маросимида сўзлаган нутқида, жумладан, шундай деган эди: «Бир вақтлар мен катта умидлар билан: «Қани энди, бизнинг юртимизда ҳам ўзбек йигит-қизлари, Ўзбекистон фуқаролари бошқа тараққий топган давлат ва минтақалардагига ўхшаб, улардан ҳеч кам бўлмасдан мана шундай замонавий енгил машиналарни бемалол миниб юрса!» деб ҳавас қилар эдим.

Мана энди ана шу пок ва холисона ниятларимиз Оллоҳнинг иноятй, марҳамати билан рўёбга чиқди».

Ҳа, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси қурила бошлаган пайтданоқ автомобиль олиш учун яхши ниятлар билан маблағларини жамғараётган юртдошларимиз қанча. Қўшма корхонанинг маҳсулотларини харид қилишга катта қизиқиш билан қаралаётганлигидан келиб чиқиб, республикамиз Вазирлар Маҳкамаси «Асака» ихтисослашган давлат акциядорлик-тижорат банки бўлимлари кўмагида «ЎзДЭУавто» корхонаси ишлаб чиқараётган автомобилларни сотиб олиш учун кредит бериш тартибини тасдиқлади. Кредитлар Ўзбекистон Республикасида доимий жойига ёки бошқа кафолатли даромад манбаларига эга ҳамда меҳнатга тўлиқ қобилиятли бўлган фуқароларга яшаш жойи бўйича кредит шартномаси асосида 7 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилади.

Имтиёзли кредит ставкалари эса, қуйидагичадир: агар кредит уч йилда қайтарилган тақдирда йиллик фойда миқдорининг 4 фоизи, уч йилдан беш йилгача олинган бўлса 5 фоиз, беш йилдан етти йилгача олинганда эса 7 фоиз миқдорда белгиланади. Харидор банкда «Автоомонат» счётини очиш учун автомобиль қийматининг 35 фоизини олдиндан тўлаб қўйиши шарт. Умуман, автосалонда нари борса 35 дақиқа ичида барча ҳужжатлар расмийлаштирилиб, «Тико», «Дамас» ёки «Нексия»ни миниб кетаверишингиз мумкин. Агар машина қийматининг 35 фоизи миқдорида маблағингиз бўлмаса, бунинг яна битта йўли бор: бундай тақдирда автомобиль олувчи «Автоомонат» счётини очиб, унга ойлик иш ҳақидан пул ўтказиш йўли билан маблағ йиғиб бериши мумкин. Омонатдаги маблағи машина қийматининг 35 фоизига етган тақдирда кредит олиб, автомобиль сотиб олиш имконига эга бўлади. Бу усулнинг яна бир қулайлиги шундаки, унинг счётига қўйган омонати ҳисобига маълум фоиз ҳам қўшилиб боради.

Автомобиль ишқибозларига шуни айтиш лозимки, «ЎзДЭУ» корхонасининг маҳсулотларига нархни бозор белгилаб беради. Яқин йиллар ичида бутловчи қисмларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқарила бошлагач, автомобилларимизнинг нархи ҳам кўпчиликнинг имкониятлари даражасида анча арзонлашиши шубҳасиздир. Ҳозир барча вилоятларимизда машина сотиб олишга кўмаклашувчи «Асака» банкининг бўлимлари очилмоқда. Айни кунларда «ЎзДЭУавто» корхонасининг маҳсулотларини харид қилаётган юртдошларимиз сони тобора ортиб бормоқда. Андижондаги автосалонда бўлганимизда, бу ерда сўнгги кунлар ичида 50 та автомобиль сотилганлигини айтишди.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маҳсулотларининг тенг ярми экспорт қилинади. Яқин Шарқ мамлакатлари, Россия, Украина, Қозоғистон, Болтиқбўйи давлатларида Ўзбекистон автомобилларига қизиқиш кучли. Корхона мутахассисларининг таъкидлашларича ҳатто, азалдан «Мерседес», «БМВ», «Опель» каби автомобиллари билан донг таратган Германия ҳам «ЎзДЭУавто» маҳсулотларига қизиқаётган экан. Бизга корхонанинг «буюртмалар папкаси» турли давлатлардаги харидорлар билан тузилган ҳозирдан то 2000 йилгача бўлган шартномаларга тўла эканлигини айтишди.



# Истиқлол шарофати: ЎЗБЕК АВТОМОБИЛИ

# АСАКА НАМУНАСИ

***«ЎзДЭУавто» қўшма корхонасига келган пойтахт ёшлари фақатгина корхона фаолияти ва имкониятлари билан танишишни эмас, балки бир талай аниқ режаларни ҳам мўлжаллаб қўйгандилар. Шунинг учун Асакага етиб келгач, кўпгина ҳамроҳларимиз йўл бошловчи мезбонларнинг «саёҳат дастури»га қараб турмадиларда, қимматли дақиқаларни ғанимат билиб, ишга киришишди: баъзилар телефонда «музокара»ларни бошлаган, кимдир машина ва эҳтиёт қисмларнинг нарх-навоси билан қизиққан, бир нечтаси эса дарҳол бунда кутиб олган андижонлик ҳамкасблар билан ўтириб, аллақандай чизмалар, техник ҳужжатларни муҳокама қилиш билан овора...***

***Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, уларнинг баъзилари билан қисқача суҳбат қурдик.***

**• Абдунусир ҲУСАНОВ, «Камолот» жамғармаси Ҳамза тумани бўлими йўриқчиси:**

— «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидаги ички тартиб-қоида, меҳнат интизоми ва ҳар бир ишчининг ўз ишига муносабати бошқа жойлардагидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда «мендан ўтгунча» қабилида «қўл учида» ишлашга асло ўрин йўқ. Меҳнат жараёни шундай ташкил этилганки, кимнинг қандай ишлаши ойнадек равшан қўриниб туради. Яна бир эътиборли томони — қанча яхши меҳнат қилсанг, моддий рағбатлантириши ҳам шунга яраша бўлади. Бизнинг мақсадимиз шуки, мана шунга ўхшаш меҳнат жараёни ва муносабатларини пухта ўрганиб, уни туманимиздаги корхоналарда ҳам тадбиқ этишдир. Ҳамза туманида саноат корхоналари жуда кўп, уларнинг барисида вақти келиб ана шундай завқли меҳнат муҳити яратилишига ишонамиз.

**• Шуҳрат ҲАКИМОВ, Тошкент авиация ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг лойиҳачи-муҳандиси:**

— Корхонамиздан махсус топшириқ билан бу ерга келган эдим. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида «Тико»лар учун дисклар ҳам чиқарилиши мўлжалланган. Ана шунга оид техник ўлчовларни аниқлаб, ҳужжатларга мувофиқлаштириб қайтмоқдаман.

— Бунга қандай қилиб улгурдингиз? Завод бўйлаб экскурсия пайтида ҳаммамиз бирга эдик, шекилли?

— Ҳа, замонавий заводнинг ишлаш жараёни билан ким қизиқмайди, дейсиз. Шунинг учун цехлар бўйлаб таништирув тугагач, махсус залда «ЎзДЭУавто» корхонаси ҳақидаги фильм кўрсатилди-ку, мен худди шу пайтдан фойдаландим-да, техник директор қабулига кириб, ишларимни битказишга улгурдим.

Ҳа, Шуҳратдек тадбиркор, ёш мутахассисларимиз келгусида «ЎзДЭУавто» каби янги-янги замонавий корхоналар очилишида хизмат қилсалар, не ажаб. Ёшларга мана шундай масъулиятли топшириқлар ишониб топширилаётганлиги қувонарлидир.

**• Дониёр ШОМУРОДОВ, Тошкент автомобиль йўллари институтининг 5-курс толиби:**

— Институтимизда компьютер зали очилган. Биласизми, бу «ақлли» машинанинг имкониятлари ниҳоятда бисёр. Ҳатто, тасаввурингиздаги автомобиль ёки айтайлик, бирор иншоот лойиҳасини бир зумда, қоғоз-қаламсиз, компьютер дисплейида тасвирлаш мумкин.

Курсдош дўстларимиз билан бир гал яхшилаб ҳаракат қилиб, бутунлай янги автомобиль лойиҳасини яратдик. Бунинг учун турли маркадаги автомобилларнинг баъзи кўрсаткичларини компьютерга киритиб, сўнгра умумлаштирдик. Шунда ташқи кўринишидан ҳам ўзига хос бўлган автомобиль пайдо бўлди. Ишимиздан домлаларимиз ҳам хурсанд. Фақат битта «лекин»и бор. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бизнинг автомобилда ҳамма кўрсаткичлар яхши-ю аммо ёнилғини сал кўпроқ «истеъмол» қиларкан. «ЎзДЭУавто»да чиқаётган автомобиллар эса айнан ёнилғини кам сарфлаши бўйича ҳаммага маъқул. Улардаги мана шу афзалликни пухта ўрганиб, ўз «кашфиёт»имизда фойдаланиш ниятимиз бор. Шундан сўнг бу лойиҳани диплом иши сифатида тайёрламоқчиман.

— Энг асосий ютуқ — юртимизда замонавий автомобиль заводининг ишга тушганлигидир, — дейди **техника лицейининг толиби Равшан ТОЛИПОВ.** — Бизнинг вазифамиз — бундаги замонавий технологияни пухта ўрганиб, унга доимо янги-янги ўзгартишлар киритишдир. Чунки, хориждаги ана шундай корхоналар ҳам тараққиётда бир жойда туравермайди-да. Айтмоқчиманки, мана, ҳозир юртимизда энг замонавий андозаларга жавоб бера оладиган корхона ишлаб турибди. Биз энди шуни доимо ана шундай пешқадамликда ривожлантиришимиз лозим.

**• Ўктам СОБИРОВ, тижоратчи:**

— Ҳозирча автомобиллар учун 70 — 80 фоиз бутловчи қисмлар Жанубий Кореядан келтирилмоқда. Юк ортилган контейнер — вагонлар Владивосток орқали етиб келиб, кўпинча бўш қайтишаркан. Биз шунга битта таклиф киритдик: вагонларга биздан четга чиқариладиган товарлар юклаб жўнатилса бўлмайдими? Кореягача бўлган исталган манзилда юкларни тушириб қолиш мумкин. Бу иш икки томонлама фойдали эканлиги кўриниб турибди. Мана шу масала бўйича муаммо деярли ҳал бўлди, — дейди Собир.

Юқоридаги каби таклиф ва режаларни Асака автозаводига келган кўплаб ёшлар ижобий ҳал этишмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга тушганидан буён бу ерга айниқса, ёшлар кўпроқ ташриф буюришмоқда.

Ўзбекистон автомобилсозлигининг порлоқ истиқболидан далолат бу!




*СУРАТЛАРДА: «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишга тушиши Асака ва умуман водийлик ёшларни иш билан таъминлаш муаммосига ижобий ўзгариш ясамоқда. Даврий равишда юзлаб ёшлар Жанубий Кореяда янги касб малакаларини ўзлаштириб қайтмоқдалар. Ишга келувчиларнинг кўплигига сабаблардан бири — бу ерда ўзгача қулай меҳнат шароитларининг яратилганлигидир.*

*Ўнгдаги суратда эса корхонанинг тайёр маҳсулотлар майдонини кўриб турибсиз. Жаҳон андозаларига мос бу замонавий машиналар эрта-индин юртдошларимизнинг узоғини яқин қилиш билан бирга жаҳон бозорларига ҳам чиқарила бошлайди.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



# ҚЎЛИМИЗДАН КЕЛАДИ

***Автозавод ишчиларини иш пайтида «бир зумгина» тўхтатиб, улар билан суҳбатлашиш мутлақо мумкин эмас. Ҳар икки соатда бериладиган ҳордиқ пайтида турли чанқовбосди ичимликлардан ичиб, енгил тамадди қилиш учун барча имкониятлар муҳайё. Биз ҳам корхона ишчиларининг ўз вазифаларини қанчалик маҳорат ва эпчиллик билан бажараётганликларини кузатдик. Ва ниҳоят, танишувимиз ниҳоясида уларнинг танаффус пайтидан фойдаланиб, баъзилари билан суҳбатлашдик.***

**• Хайрулло АҲМАДЖОНОВ, пайвандлаш цехининг ишчиси, ёши — 25 да:**

— Йигит кишининг бошига омад қуши қўнадиган пайт бўлади, деган гап бор. Мен Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртини тамомлаб, бир неча йил Тошкент авиация ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида ишладим. Бунинг битта ноқулай томони — ишимнинг уй-жой, ота-онам бағридан узоқлигида эди. Шу пайтларда ёшлар «ЎзДЭУавто»га ишга қабул қилинаётганлигини эшитиб, дарҳол бу ерга келдим. Буни қарангки, ишга осонгина қабул қилиндим, 1 йил Жанубий Кореяга иш ўрганиш учун бориб келдим. Барисига раҳмат. Мана энди мен ўз ишимни топдим. Кореядан қайтгач, мен икки ҳисса ғайрат билан ишга киришдим. Бу — менга шундай эътибор билан қулай иш шароитларини яратганликларидан миннатдорлик ва ўз юртимдан чиқаётган сифатли автомобиллар қурилишига менинг ҳиссам ҳам борлигидан ғурур туйғусининг натижасидир. Тўғрида, муаммоларим деярли ҳал бўлди. Андижон шаҳридан ишга ҳар куни махсус автобусда келиб кетамиз, маош ҳам дуруст. Барисига раҳмат.

**• Абдуманноп ҲОШИМЖОНОВ, пресслаш цехининг ишчиси:**

— Омадни қаранг дўстим, уйимизнинг шундоққина рўпарасида улкан автозавод қурилиши бошланди-да! Бизнинг чекимизга заводнинг қад кўтариши ва илк машиналар чиқишигача бўлган энг шарафли ишлар тушибдики, бу албатта фахрлидир. Асакада ишчи кучларининг кўплиги азалдан мавжуд эди. Энди автозаводнинг қурилиб, тобора қуввати ортиб бораётганлиги ишсизлик билан боғлиқ муаммоларга ниҳоятда ижобий ўзгариш ясади. Мендан сўнг кўп ўтмай икки укам ҳам бу ерга ишга киришди. Иккитамиз Жанубий Кореядан иш ўрганиб қайтдик. Ҳозир учинчи укам Чанвон шаҳрида ўқияпти. Корхонамизда биз каби ишчи сулолалари кўпайиб боряпти. Учта ўғлим бор. 11-синфда ўқийдиган катта ўғлим ҳозирданоқ «ЎзДЭУавто»да ишлашга аҳд қилган. Майли, кичиклари ҳам вақти келиб, мен ишлаётган мана шу цехга келишсин. Шунга арзийди бу жой.

*Саҳифани «Тошкент оқшоми» махсус мухбири Баҳтиёр ҲАЙДАРОВ тайёрлади.*

*Воқеа арафасида*

# ОЛИМПИЯ ШУҲРАТИ



***Халқаро олимпия қўмитасининг жаҳондаги барча миллатлар ва халқларнинг тенглиги учун курашадиган, кишилар ўртасидан ҳар қандай тўсиқларни олиб ташлаб, инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотга эришиши мақсадида уларни биродарлардек аҳил қиладиган ташкилот эканлиги тўғрисида юртбошимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.***

Худди ана шу сўзлар мустақиллигимизнинг беш йиллиги шодиёналари куни очиладиган Олимпия шуҳрати музейининг шиори бўлиб қолиши шубҳасиздир. Зеро, бизнинг ёш, бироқ мустаҳкам оёққа тураётган республикамизда спортнинг барча турлари, инсонпарварлик ғояларини тарғиб этадиган олимпия ҳаракатини ривожлантиришга руҳан эътибор қаратилмоқда.

Албатта, ҳозир юртимиздаги кўп сонли спорт ишқибозларини Олимпия шуҳрати музейи қандай кўринишда бўлиши, ундан қанақа экспонатлар ўрин олиши жуда қизиқтирмоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, уни бунёд этишда ўз ишининг усталари бўлмиш «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, Югославиянинг «Терек» фирмаси ва «Усто» бирлашмасининг қўли гул бунёдкорлари жалб этилган. Ва музей энг илғор, замонавий техник анжомлар билан жиҳозланади. Чунончи, марказий залга иккита монитор ўрнатилиб, улар орқали олимпия мавзусидаги фильмлар намойиш қилинади. Кўплаб ойнаванд витриналардан эса ўзбек спортининг 70 йиллик тарихи тўғрисида ҳикоя қилувчи беш мингдан ортиқ ноёб суратлар ўрин олади. Шуниси эътиборга лойиқки, уларнинг маълум бир қисми Лозаннадан олиб келинган.

Албатта, олимпия ўйинларига бағишланган маркалар тўплами ҳам катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Гап шундаки, ушбу ноёб коллекциядаги энг қадимий маркалар бундан роппа-роса юз йил олдин—олимпия ҳаракатига асос солинган 1896 йилда чоп этилгани билан характерлидир. Ушбу маркалар тўпламини музейга спорт фахрийси А. Шведукс тақдим этди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовга республикада спортни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Халқаро олимпия қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч томонидан топширилган Олимпия олтин ордени ҳам музей тўридан жой олади.

Бундан ташқари спорт ишқибозлари эътиборига жаҳон, Европа ва Осиё чемпионлари тақдирланган Кубоклар, нишонлар ҳамда уларнинг спорт анжомлари — байдарка ва каноэлар, велосипедлар, рапиралар ҳам ҳавола этилади.

Хуллас, гапнинг индаллосини айтганда музей стендлари орқали Олимпия ўйинларининг қадимги замонлардан тортиб то бугунги кунгача бўлган бутун жонли тарихи билан танишиш мумкин бўлади. Музейдан Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси фаолиятига бағишланган алоҳида экспозиция ҳам ўрин олади. Зеро, оммавий спортни, халқ ўйинлари, миллий спорт турларини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» умуммиллий дастурини ҳаётга тадбиқ этишга ҳисса қўшиш, олимпия ҳаракатининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш — бу Ўзбекистон МОҚ олдида турган вазифаларнинг бир қисмидир.

Энг муҳими, истиқлолимизнинг энг тотли мевалари бўлмиш, мустақилликдан сўнг эришилган йирик ғалабалар қаҳрамонлари — Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинлари, I Марказий Осиё ўйинлари ва яқиндагина якунланган XXVI ёзги олимпиада ўйинларининг ғолиблари ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя қилувчи лавҳалар музейда ўзининг муносиб ўрнини топади. Ва ўзбек спортчилари келгусида нуфузли мусобақаларда ажойиб ғалабаларга эришаверишар экан, Олимпия шуҳрати музейи ҳам ноёб экспонатлар билан бойиб бораверади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

***СУРАТЛАРДА:** Олимпия шуҳрати музейининг кўриниши; музейга безак бериш ишлари давом этмоқда.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*





*Болалик боғи*

# ЁЗ КУНЛАРИНИНГ БИРИДА

**(Ҳикоя)**

Исмим Қаҳрамон... қани энди, ўз номимга яраша шов-шув бўладиган бирор иш кўрсатсам, деб ўйлаб юраман. Токи кўрганлар «ҳа, бу ҳақиқий қаҳрамон», дейишсин. Одамлар ўт ичига кириб, ёнаётган болани қутқариб қолишган, сувга чўкканларни қутқариб, шуҳрат топганлар ҳам озмунчами? Аммо мен ҳаётимда ҳеч бунақа ҳодисаларга дуч келмаганман. Нима қилсам экан-а? Нима қилсам мен ҳам машҳур бўламан, тилга тушаман?

Ўйлайвериб-ўйлайвериб, бошим қотиб қолди. Қарангки, ўтган йили ёзда тоққа бордиму довруғим оламга достон бўлиб қайтдим. Ҳа, ишонаверинг, мен ҳақимда ҳатто газеталарга ҳам ёзишди. Энди қанча кўкрагимни керсам, қанча мақтансам арзийди. Ахир кимсан, довюрак қаҳрамонман.

— Яша, ота ўғил, яша азамат, номингни оқладинг! — дейдилар дадам.

Абдуманноп амаки ҳам:

— Ҳеч қанақа қурол ишлатмай, айиқни ўлдириш — бу қаҳрамонлик! — дедилар.

— Ҳой, болалар, — деди Вали ҳовлиқма, — эшитмадим деманглар. Қаҳрамон тоққа бориб айиқ ўлдириб келибди.

Аливой деганларнинг оғзи карнайгулдай очилиб қолди.

— А? Айиқ?

Аммо Валининг гапига болалар сира ишонишмайди денг. Ахир мен ҳақимда газетага ёзишган бўлса... Э, булар газета ўқирмиди?

Қаёқдан бир гап чиқаркан, деб доим қулоғини динг қилиб юрадиган Шокирга худо берди:

— Айиқ ўлдирганмиш... Чумчуқ пир этса, юрагинг шир этадию... Айиқ сенга кучук боламики... одам ишонадиганроқ бошқа гап қуриб қолибдими? Ёлғонни сувдай симирасан-а?

— Ҳой, кимни лақиллатмоқчисан? — пўписа қилди Тожиаҳмад.

Мана, шунақа, бизнинг гапимизга ҳеч ким ишонмайди. Териси ҳайвонот музейида турибди, олиб кўрсатай десам хахолаб кулишади. Балки, сиз ҳам гапларимга ишонмассиз. Келинг, яхшиси, кўрган-кечирганларимни бир бошдан ҳикоя қилиб берақолай...

Қаёқданам дадам ва Абдуманноп амаким билан тоққа борган эканман. Айтмоқчи, дадамнинг ўртоқлари — Абдуманноп амаки доришунос олимлар. Ишлари тоғма-тоғ юриб, доривор ўсимликлар топиш.

Шундай қилиб, машинада тоққа қараб кетяпмиз. Эҳ-ҳе, тоғлар мен ўйлагандан минг чандон чиройли, гўзал экан. Ямяшил арчалар, барқ уриб очилиб ётган тоғ гулларига қараб кўзим қувнайди, дилим яйрайди.

Шу куни тоғ сувларида чўмилиб, балиқдай сузиб, маза қилиб дам олдик.

Ҳамма машмашалар эртасига бошланди. Машинани пастда қолдириб, ўзимиз илон изи сўқмоқ йўлдан юқорига қараб юрдик. Кетяпмиз, дам олиш йўқ. Қуёш тепадан қиздириб турибди. Мен бечора қора терга тушиб кетганман.

Бирдан катта дарахтзорга дуч келиб қолдик. Вой-бўй... Дарахтзор ҳам шунча қалин бўладими-а? Қинғир- қийшиқ ўсиб кетган дарахт шохлари юришга йўл бермайди. Эҳтиёт бўлмасанг, тиканакли шохлар нақ юзингни тилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Кейинги оҳ-воҳдан фойда йўқ.

Минг азоблар билан дарахтзор оралаб бўряпмиз. Елкамга осиб олган тўрхалтачам ҳам шохларга илиниб қолиб, нуқул халал беради. Дарахтларнинг яланғочланиб, бир-бирига чирмашиб кетган йўғон илдизларини айтмайсизми? Худди илонга ўхшаб оёғингга ёпишади. Неча марта қоқилиб, неча марта йиқилганимни сўраманг.

Хайрият, уриниб-суриниб дарахтзордан чиқиб олдик. Олдимизда баланд-паст адирлар, тизза бўйи келадиган ўт-ўланлар ястаниб ётарди.

Яна олға силжияпмиз. «Қанча йўл юрган билан бу тоғларнинг охирига етиб бўлармиди?» — ўйлайман ичимда, оёқда ҳам оёқ қолмади. «Тоққа бориб, мазза қилиб дам олиб келаман», деб беҳуда ўйлаган эканман.

Йўл бўйи жим келаётган Абдуманноп амакимнинг бирдан чеҳраси ёришиб кетди.

— Биз эрталабдан бери қидириб юрган доривор гиёҳлар мана шу, — деди.

Мен Абдуманноп амаки кўрсатган ҳар томонга тарвақайлаб ўсган ўтларга қарадим. Бошқа ўтлардан сира фарқ қилмайди. Абдуманноп амаки доривор ўтлар топилганига, мен эса дам олишга фурсат етганига хурсанд эдим.

Абдуманноп амакининг ҳаракатлари чаққон, дарров ёнидан тешасини олди.

— Уларни илдизи билан авайлаб қазиб олиш керак. Абдуманноп амаки ишга тушиб кетди, дадам ҳам.

Мен эса бир туп бутанинг соясига бориб чўзилдим. Ботинкамни ечдим. Вой-бўй, юраверганимдан қизариб, оёқнинг лавлагиси чиқиб кетибди-ку! Яйраб дам ололмадим. Ўзингдан катталар ишлаб турса, сен тўнкадай чўзилиб ётсанг, хунук кўринаркан. Катталарнинг ёнига келдим. Доривор ўтларнинг илдизи чуқурда, уни кавлаб олишнинг ўзи бўлмас экан.

Дадам мени кўриб:

— Ўғлим, анча дам олдинг, энди чой қўйиб юборсанг, — дедилар.

— Хўп бўлади, дадажон!

Қоққан қозиқдай қаққайиб тургандан кўра яхши бўлди.

Човгумни олиб, сув қидириб кетдим.

Кунчиқар томонга қараб бироз юргач, аллақайдан сувнинг шилдираши эшитилди. Атрофга синчиклаб назар ташладим, сув икки-уч метр пастликда эди. Пастга тушиш учун ҳув... сўқмоқ йўлдан айланиб келиш керак эди. Менда эса юришга тоқат борми? Ўлгудай дангасалигим тутиб, чарчаб кетаяпман. Таваккал қилиб, қалин ўсиб ётган ўтлар устига сакрай қоламан. Мактабда ҳам қумга сакраш бўйича нуқул «беш» олардим. Шундай қилдим. човгум қўлимдан отилиб чиқиб, тош-пошга тегдими, даранглаб кетди. Ўзим юмшоқ бир нарсанинг устига «гуп» этиб тушдим. Ажабо, тагимдаги нарса ғимирлаб, бирдан жонланди. Бундоқ қарасам, айиқ! Қўрққанимдан эсим оғиб қолай деди. Жон ширин, овозимни борича додлаб юбордим. Айиқ «рақибимни бир кўриб қўяй» дедими, ҳаркалай оёқларини кўкка кўтариб, қад ростлаб туриб, менга бир қаради-да, худди тоғ қулагандай гурсиллаб яна ерга йиқилди.

Мен ҳангу-манг эдим. айиқни ўнгимда кўрдимми, тушимда кўрдимми ўзи? Мен «айиқ» деб олди-орқамга қарамай чопиб борардимки, асти қўяверасиз. Овозимни дадам эшитдилар шекилли, мен томонга кела бошладилар.

— Айиқ, айиқ, — такрорладим мен ўпкам оғзимга тиқилиб.

— Қани? — дедилар дадам, кўзлари бежо, атрофга аланглаб.

— Ҳув, ана, — дедим мен пастликни кўрсатиб.

Қўлларида теша. Абдуманноп амаки ҳам югуриб келдилар.

Катталар айиқнинг устига етиб келишганда у қимирламай ётарди. Мен юрагимни олдириб қўйган эканманми, айиққа яқинлаша олмадим. Узоқдан қўрқа-писа кузата бошладим.

— Ёпирай, айиқ-ку! — дедилар дадам.

— Ия, ўлиб қолибди-ку, — дедилар Абдуманноп амаки айиқни туртиб кўраркан.

Нега ўлади? Мен уни отмаган бўлсам? Қўлимда пичоқ ҳам йўқ эди. Улар менга савол назари билан ажабланиб қарашди. Мен бўлган воқеани оқизмай-томизмай гапириб бердим.

— Э, бўлди, тушунарли, — дедилар Абдуманноп амаки. — Айиқ қаттиқ ухлаб ётган пайтда сен зарб билан унинг устига сакрагансан. Сенинг бехос бу ҳаракатингу, човгумнинг даранглашидан айиқ бечоранинг юраги ёрилиб ўлган.

Очиқ гап, ўзим ҳам нима бўлганига энди тушунибман.

— Оббо, азамат-эй, шундоқ қилиб айиқ ўлдирдим, дегин. Шунча йил тоғу тош кезиб менга ҳам айиқ ўлдириш насиб қилган эмас.

Абдуманноп амаки шундай дедилар-да, ёнларидан пичоқ олиб айиқнинг терисини шилишга тушдилар.

— Мана бу ноёб ўлжа бўлди, — дедилар амаки айиқнинг ҳўл терисини дарахтга осар эканлар.

Шундай қилиб, аканг қарағай айиқни ўлдирганман. Энди ишонасиз-а? Мана шунақа...

Рауф ТОЛИБ.

*Бу китобни ўқинг*

# ФОЙДАЛИ ДАСТУР

***Сўнгги йиллар мустақил давлатимизда ёзув билан имло масаласида талайгина ишлар амалга оширилди.***

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. 1995 йил 6 майда бу қонунга баъзи ўзгартиришлар киритилди. Ўзгаришлар киритилган янги алифбо 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар бирикмасидан таркиб топди. Янги алифбо учун амалда қўлланилаётган имло қоидалари қайтадан кўриб чиқилди, такомиллаштирилди, Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августдаги қарори билан «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» тасдиқланди.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, янги алифбога ўтиш босқичма-босқич амалга оширилади. 2005 йилнинг 1 сентябригача янги алифбога ўтиш тўлиқ тугалланади. Мактабларда 1996-97 ўқув йилидан эътиборан 1-синфларда янги ёзув ва имло ўргатила бошланади. Шунингдек, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларида, маҳаллаларда янги алифбо ва имло юзасидан машғулотлар ташкил этилади.

Табиийки, бу машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун аввало, ўқув дастури зарур бўлади. Шуни назарда тутиб яқинда «Ўқитувчи» нашриёти педагогика фанлари номзоди, доцент Йўлдош Абдуллаевнинг «Янги алифбо ва имлони ўргатиш дастури» китобчасини 50 минг нусхада чоп этди. Мактаблар, курслар, педагогика билим юртлари ва педагогика институтлари учун мўлжалланган бу дастур 60 соатлик машғулотларни қамраб олади.

«Янги алифбо ва имлони ўргатиш дастури» икки бўлимдан — тушунтириш хати ва дастурдан таркиб топган. Кейинги бўлим: 1) жаҳон халқлари алифболари тарихи ҳақида; 2) ҳарфларнинг шакли ва баъзи имло қоидалари, ёзиш ва ўқиш; 3) янги имло қоидалари билан таништириш; 4) ёзиш ва ўқиш кўникмаларини такомиллаштириш қисмларини ўз ичига олади. Мазкур қисмларда ўқувчилар, талабалар, тингловчиларга жаҳон халқлари ёзувлари, хусусан араб, лотин, кирилл алифболари ҳақида маълумот бериш, янги ўзбек алифбоси ва имло қоидаларини ўргатиш, шунингдек уларда лотин ёзувидаги қўлёзма ва босма матнларни, равон, тез ва ифодали ўқий олиш малакаларини ҳосил қилишга эришиш йўл-йўриқлари кўрсатиб берилган.

Дастурда хат-савод ўргатишда кўчириб ёзиш машқлари, эшитиб ёзиш , баён ва иншо муҳим аҳамият касб этиши уқтирилган. Машғулотлар давомида ўқиш ёзув билан биргаликда олиб борилиши, бунда овоз чиқариб ва овоз чиқармасдан ўқиш, матнга кўз югуртириб чиқиш усулларидан фойдаланиш лозимлиги таъкидланган. Ёзувдан ҳам, ўқишдан ҳам уй вазифаларини мунтазам бериб бориш, уларни ўз вақтида назоратдан ўтказиб туриш, зарурлиги қайд қилинган.

Қўлланмада курс қатнашчиларига янги имло қоидаларини ўргатиш бўйича бир неча йўналишда иш олиб бориш мумкинлиги баён этилган. Чунончи, янги алифбодаги ҳарфларни ёзиш ва ўқишга ўргатиш жараёнида ўргатилаётган ҳарфларнинг шакли билан бир қаторда имкони борича имлоси ҳақида маълумот бериш, шунингдек, имлога оид махсус дарслар ташкил қилиш ёки улар учун дарсдан маълум вақт ажратиш тавсия қилинган. Қўшма сўз, жуфт сўз ҳамда такрорий сўзлар имлоси, атоқли отлар имлоси, кўчириш қоидалари юзасидан алоҳида машғулотлар ўтказиш лозимлиги кўрсатилган.

Мазкур дастурнинг халқимизнинг янги алифбо ва имло бўйича хат-саводини чиқаришда алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Носиржон ОХУНОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Халқаро Тадқиқотлар ва Олимлар Айирбошлаш Кенгаши Ўзбекистон аҳолисини Республика Мустақиллик байрамининг 5 йиллиги билан муборакбод этади ва АЙРЕКС офисининг янги манзилини маълум қилади. Бизнинг янги манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700011, Навоий кўчаси, 6 уй, 2-хона, тел: (3712) 41-59-97, 41-42-13, факс: 41-59-97. АЙРЕКС кенгашининг Ўзбекистондаги раҳбари Роксана Боннелл.**

IREX
International Research & Exchanges Board

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ (ИНГЛИЗ, НЕМИС, ФРАНЦУЗ) ЧУҚУР ЎРГАНИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЛИЦЕЙ ОЧИЛАДИ.**

Лицейга ўрта мактабнинг 9-синфини муваффақиятли битирган ўқувчилар қабул қилинади.

Ўқиш муддати 2 йил (10 ва 11 синфлар).

***Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Решетов кўчаси 4-уй. (собиқ Рус тили ва адабиёти институти).***

***Метро «Пахтакор»дан 35-автобус, 20-маршрут такси; метро «Чилонзор»дан 20-автобус, 37-маршрут таксиларда бориш мумкин.***

***Телефонлар: 75-93-12, 75-89-51.***

***Ҳужжатлар 15 августдан 28 августгача қабул қилинади.***

«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

Назорат-ўлчаш асбоблари ва автоматлаштириш бўйича электрончи муҳандисларни

**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**
***Маош — 3000 сўм.***
***Манзилгоҳ: Ғани Мавлонов кўчаси: 33-уй.***
***Тел: 34-21-01.***


*Суратли ахборот*

# МАРОҚЛИ ШОДИЁНА

*Мустақиллик, куйлайман сени,*
*Бор овозим, куйларим билан.*
*Мустақиллик, асрайман сени,*
*Керак, бўлса, ҳаётим билан.*

Баралла янграган, юракларни ларзага солувчи ана шу сатрлардан сўнг, Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради. Акмал Икромов тумани ҳокимлиги мажлислар залига тўпланган хотин-қизлар, маҳалла фаоллари ва барча меҳмонлар истиқлол шодиёнасини қалбда ғурур ва фахр туйғуси билан қарши олдилар.

Тўпланганларни туман ҳокими Осимхон Алихўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова, «Катта қаъни» маҳалласи оқсоқоли Қобилжон Қодировлар мустақиллигимизнинг беш йиллик шодиёнаси билан қутладир.

Табриклардан сўнг туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» фонди, «Фармед» фирмаси томонидан тайёрланган совғалар бундан беш йил аввал таваллуд топган ширин-шакар ўғил-қизларга тақдим этилди. «Ватан» маҳалласининг фуқароси Даврон Ияров айнан 1 сентябрь куни туғилганлигини эшитиб, унинг совғаларни қабул қилган жажжи қўлчаларини кўксига қўйиб таъзим қилганлигидан иштирокчилар мамнун бўлиб кетишди.

Тадбирда таниқли санъаткорлар, туман бадиий ҳаваскорлари, болалар боғчаларининг тарбияланувчилари ва бошқа ҳаваскорлар ўзларининг куй ва қўшиқлари билан барчани хушнуд этдилар. Шунингдек тумандаги ишлаб чиқариш корхоналари — «Нон-паста» ҳиссадорлик жамияти аъзолари 15 турдан зиёд, «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамияти 20 дан ортиқ, масъулияти чекланган «Осиё-мусиқа» жамияти 20 га яқин, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Чевар» ҳиссадорлик жамияти, «Гузар», «Ширин», «Нўғайқўрғон», «Ватан» маҳаллаларининг чеварлари томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси қизиқиш билан томоша қилинди.

Истиқлолимизнинг беш йиллик шодиёнасига бағишланган мана шундай тадбирлар шаҳримиздаги барча туманларда бўлиб ўтмоқда. Ҳамза тумани хотин-қизлар қўмитаси ва туман ҳокимлиги томонидан ташкил этилган байрам шодиёнаси ҳам мароқли ўтди.

Гули АБДУЛЛАЕВА.

***СУРАТЛАРДА:** Акмал Икромов туманидаги ўтган байрам тантанасидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*






ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар. — 33-29-70; эълонлар: 33-08-74. факс: (3712) 33-08-74

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0432. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ Босишга топширилди: 11.30. 5.715 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.